



## ЗАРДУШТИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА ИҚТИСОДИЙ ОНГ ЭРИШИШДАГИ АҲАМИЯТИ

**Худойқулов Азамат Бешимович**

Иқтисодиёт ва педагогика университети  
Тарих ва ижтимоий фанлар кафедраси доцент в.б.

E-mail: azamatxudoukulov@gmail.com

Тел.: +998 (91)-562-77-15

**Саидов Шомаҳмуд Азамат ўғли**

Турон университети Педагогика ва психология  
кафедраси 1-босқич магистрант

E-mail: shomahmudsaidov@gmail.com

Тел.: +998 (99)-075-77-15

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20536950>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 28-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

### KEY WORDS

*Зардуштийлик, иқтисодий онг,  
Авесто, меҳнат, мулк, адолат,  
иқтисодий муносабатлар,  
маънавият.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада Зардуштийлик таълимотида иқтисодий онгнинг мазмун-моҳияти, унинг меҳнат, мулк, адолат ва ижтимоий фаровонлик ҳақидаги қарашлари таҳлил қилинган. Шунингдек, муқаддас "Авесто"да акс этган иқтисодий ғояларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ёритилган. Тадқиқот жараёнида тарихийлик, мантиқийлик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.*

Марказий Осиё цивилизацияси тарихида Зардуштийлик муҳим маънавий-мафкуравий таълимотлардан бири ҳисобланади. Ушбу таълимот нафақат диний-ахлоқий, балки ижтимоий-иқтисодий қарашларни ҳам ўз ичида мужассам этган. Зардуштийликда инсоннинг меҳнатга муносабати, ҳалол риск топиш, ерга ишлов бериш ва мулкдан оқилона фойдаланиш каби масалалар муҳим ўрин тутди. Авесто да меҳнатнинг аҳамияти ҳақида шундай дейилади: "Кимки ерга уруғ сепса, у тақводорлик уруғини сепган бўлади" [1, 45-бет].

Бугунги глобал иқтисодий жараёнларда иқтисодий онг ва иқтисодий маданият масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, қадимги таълимотлардаги иқтисодий ғояларни ўрганиш миллий иқтисодий тафаккурнинг тарихий илдизларини англашга хизмат қилади.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Зардуштийлик ва унинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини ўрганиш бўйича кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг асарларида қадимги халқларнинг диний қарашлари ҳақида фикр юритган. Шунингдек, Мэри Бойс Зардуштийлик тарихи ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини чуқур таҳлил қилган. Мэри Бойс Зардуштийликнинг иқтисодий қарашлари ҳақида қуйидагича таъкидлайди: "Зороастризмда деҳқончилик ва меҳнат эзгуликнинг муҳим кўриниши сифатида талқин қилинади" [2, 112-бет].

Айрим тадқиқотларда Зардуштийликнинг ахлоқий жиҳатлари кенг ёритилган бўлса-да, иқтисодий онг масаласи етарли даражада махсус тадқиқ этилмаган. Шу боис мазкур мақола ушбу бўшлиқни қисман тўлдиришга қаратилган.

Ясналарнинг 7 бобида Зардушт орқали хабар берилган башоратларда чуқур фалсафий ғоялар ўз ифодасини топган. Зардушт Охура Маздадан ўз ахлоқий қонун-қоидаларини маълум этишни сўраган. У бунга жавобан бутун мавжудликнинг икки олий ибтидоси – эзгулик ва ёвузлик ҳақида ваҳй қилган. Бир-бирига қарама-қарши бўлган бу бошланғич кучлар ҳар доим биргаликда мавжуд бўлиб, улар ҳаёт ва ўлим, осмон ва жаҳаннам маъноларини англатган. Жаҳаннам Охура Мазда ваҳийсида “ҳаётнинг энг ёмон онлари”, осмон эса руҳнинг энг юксак ҳолати сифатида гавдалантирилган. Оламдаги ёвузлик, нокомиллик нарса, ҳодисалар ва уларнинг моҳиятидан келтириб чиқарилган. Уларни бартараф этиш эса, истиқболдаги иш бўлиб, иймонли кишилар бу жараёнда энг катта фаоллик кўрсатишга даъват эътилган. Улар Охура Мазда юборган қонунлар, ўғит насиҳатларга амал қилсалар, эзгулик ёвузлик устидан тантана қилиб бораверади деб ҳисоблаганлар.

Охура Мазда берган панд-насиҳатга биноан “Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотикда шартномага қатъий амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш иймонлилик аломатларидир”. Унинг фикрича, иймонли одам ўғрилик ва талончиликдан, бегоналарнинг мол-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилишдан, яъни иймонига хилоф иш қилишдан ўзини сақлай биладиган комил инсондир. “Танангизга нисбатан, қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг”, яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффао бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади,- деган эди, у.

“Авесто”нинг муқаддас китобидаги ғояларга мурожаат қилинган. Унда қадимги дунё фалсафасининг 4 асослари (субстанцияси) – тупроқ, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилган. Тупроқ, сув, ҳавони булғаш, ифлослантириш энг оғир гуноҳлар қаторига қўшилган. Ҳатто марҳумларнинг мурдалари ерни, сувни, ҳавони заҳарлаб қўймасликлари учун уларни жасадларини махсус сопол идишларда кўмиш расм бўлган. Охура Мазда “ерга яхши, мустаҳкам уруғлар қадашдан ортиқ савоб иш йўқ” деган. Худонинг бу айтганига амал қилиш, 10 минг марта ибодат этиш ёки юзлаб жониворни қурбонликка сўйишдан афзал ҳисобланган. Зардуштийликнинг бу ғоялари миллий ўзликни англаш жараёнига, миллий руҳиятни шаклланишига, унинг доно ўғитлари она заминга, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчиликка ва ватанга, халққа улуғ муҳаббат руҳи билан уйғунлашиб кетган. Зардуштийлик эътиқодича, одам ўлгандан сўнг унинг жони уч кун давомида танада турар экан, тўртинчи кунда у ўз маҳрами – фариштаси йўлбошчилигида нариги дунёдаги “Чинвот” деган кўприкдан ўтиши керак. Эзгу ишни қилган одамлар учун бу кўприк кенгайган ҳолда туради. Улар ундан бемалол ўтиб, умрлари абадий роҳат-фароғатда ўтади, оҳиратда ўликлар тириладиган кунда ўз таналарига кириб ётади. Ёзув ишлар билан шуғулланганлар учун “Чинвот” қилдай тораяр ва улар жаҳаннам азобларига маҳкум бўлар эканлар.

Абу Райхон Беруний ўз асаарида шундай ёзади: “Мажусийлар ерни обод қилишни энг савоб ишлардан деб билганлар” [3, 214-бет]. Зардуштийликда ҳар бир диндор шубҳасиз тасдиқлаши зарур бўлган муҳим ақидалар ишлаб чиқилган. Унга кўра, олий меҳрибон худо Ахура Мазданинг ягона ва мавжуд, Гегиг (Ер) ва Меног (Рух) оламлари

мавжуд, Зардушт инсоният тарихида Ахура Мазданинг илк пайғамбари, "Авесто"нинг барча қисми илоҳий ҳақиқат, муқаддас олов Худонинг Ердаги тимсоли, Мубодлар Зардуштнинг биринчи шогирдлари ва ваҳийларнинг муҳофазачилари, покланиш маросимларини бажарувчи, муқаддас оловни сақловчи ва таълимотнинг шарҳловчилари, барча Яхшиликларнинг барҳаёт фравашилари мавжуд бўлиб, одамларнинг фравашилари Ерда ёвузликка қарши курашиш йўлини танлаганлар, яқунда езгулик ва ёвузлик кучларининг уйғунлашиши, келажакда Саошянта (халоскор) келиши ва унинг ёвуз Фрашо Керети устидан ғалаба қозониши, охири замоннинг содир бўлиши, ўлимдан сўнг ҳисоб-китобнинг бўлиши, адолатнинг қарор топиши, ёвузликка қарши кураш ва покликни сақлаб қолиш мақсадида зардуштийлик анъаналари ва маросимларга амал қилишнинг зарурлигига еътиқод қилиш шарт қилинган.

Зардуштийлик маросимлари замирида ҳар қандай нопокликка қарши кураш таълимоти ётади. Бунда покланиш муқаддас олов ёрдамида амалга ошади. Зардуштийлар ибодатхонасида (оташкаде) узлуксиз равишда муқаддас оловнинг ёниб туриши таъминланади. Баъзи ибодатхоналарда бир неча юз йиллардан бери муқаддас оловлар ўчмасдан келмоқда. Муқаддас оловларни ўчиб қолмаслигини Мубод (диний маросимларни авлоддан авлодга сақлаб қолиш масъулиятини олган, қоҳинлар оиласи)лар таъминлайди. Мобадлар оловни ҳар қандай ҳолатда ҳам асраши зарур бўлган. Янги оловни ёқиш фақатгина истисно вазиятларда амалга оширилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида тарихийлик, тизимли таҳлил, мантиқийлик ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди. Манба сифатида асосан Авесто ва Зардуштийликка оид илмий адабиётлар таҳлил қилинди.

Муқаддас оловларнинг Шоҳ оташ Варахрам (олий даражадаги Шоҳ Баҳром олови) махсус шоҳона маросимлар, йирик ғалабаларга бағишланиб ёқилган. Уни ёқишда 16 хил олов жамланиб, бирлаштирилган. Ушбу олов билан боғлиқ маросимларни юқори мартабадаги руҳонийлар амалга оширишган. Оташ Адуран (ўрта даражадаги аслзодалар олови) 1000 кишидан кам бўлмаган аҳоли турар жойларида Мобадлар томонидан ёқилади. Бунинг учун жамиятнинг руҳоний, ҳарбий, деҳқон ва ҳунармандлардан бўлган табақалари иштирок етиши лозим бўлади. Олов олдида Нозуди (қоҳин, амалдор ва ҳукмдорлар шарафига ўтказиладиган маросим), Гавахгиран (тўй маросими), Садре пуши (Зардуштий шахснинг махсус кўйлак кийиш ва камар тақиш маросими), Гаханбар (Язатлар шарафига ўтказиладиган йил давомидаги байрамлар) каби маросимлар ўтказилади. Оташ Додгоҳ (қуйи даражадаги олов) маҳаллий жамоаларнинг кундалик диний еҳтиёжлари учун ишлатилган. Форсларда бу каби жойлар Дар ба меҳр (адолат егаси Митранинг ҳовлиси) деб аталган.

Ислом Каримов маънавият ва меҳнат муносабати ҳақида қуйидаги фикрни билдирган: "Инсонни улуғлайдиган куч - бу ҳалол меҳнатва эзгу амалдир" [4, 97-бет]. Зардуштийликка кўра, инсон вафотидан сўнг унинг ҳукми диний мансубликка эмас, балки фикри, сўзи ва амалларига мувофиқ бўлади. Бошқа диндан воз кечган шахс эса зардуштий билан камида бир йил алоқада бўлган ва бу вақт давомида Мобад ёки Беҳдин (руҳонийлар оиласига мансуб бўлмаган, аммо диний малакаси юқори бўлган шахс)лардан таълим олган бўлиши лозим.

Мобад томонидан дам солинган инсонни ички ва ташқи ёвузликдан сақловчи ва худо билан алоқага киришда Садре ва Куштидан фойдаланилади. Садре кийиш

зардуштий учун фарз амаллардан ҳисобланади. Куштини муҳим маросимлар ва ҳар ибодатдан олдин ечиб ва тақиб туриш лозим. Улар доимо тоза ҳолда сақланиб, йилда икки марта Наврӯз (эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига бағишланган янги йил байрами бўлиб, йилнинг кун ва туни тенг 21 мартда нишонланади) ва Меҳржон (Ҳосил байрами 23 сентябр куни нишонланади) байрамларида алмаштирилади.

Таълимотга кўра, биринчи инсон Говмард (форсча - хўкиз-одам) бўлган. Биринчи шоҳ Йима (Жамшид) ҳукмронлиги олтин давр ҳисобланган. Унинг даврида кишилар бекаму-кўст, бахтиёр яшаганлар. 900 йил ўтгач, шоҳ Йима ғурурга берилиб, ман этилган сугир гўштини ейди ва ёвузлик рамзи Ахриман ҳукмидаги кучлар бош кўтаради. Оқибатда оламни музлик қоплайди. Йима Ахура-Мазда амри билан одамлар ва ҳайвонларни совуқдан сақлаб қолиш учун қўрғон қуриб, унга ҳар бир жонзотдан бир жуфттини жойлаштиради. Инсоният тарихининг илк олтин даври тугагач, Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш даври бўлган иккинчи давр бошланган. Учинчи даврда Ахура-Мазда ғалаба қилиб, эзгулик салтанати қарор топади, ўлганлар қайта тирилади. Фалсафий адабиётларда иқтисодий онгнинг мазмуни ҳақида қўйидагича таъриф берилади: “Иқтисодий онг - жамият иқтисодий ҳаётининг инсон тафаккурида акс этиш шаклидир” [5, 356-бет].

**Таҳлил ва натижалар.** Зардуштийлик таълимотида иқтисодий онг инсоннинг эзгу фикр, эзгу сўз, ва эзгу амал тамойилларига асосланган ҳолда шаклланади. Бу тамойиллар иқтисодий муносабатларда ҳам ҳалоллик ва адолатни таъминлашга хизмат қилган.

**Меҳнат ва иқтисодий фаоллик.** Авесто да ерга ишлов бериш энг савобли амаллардан бири сифатида кўрсатилади. Деҳқончилик нафақат иқтисодий фаолият, балки ёвузликка қарши кураш воситаси сифатида ҳам талқин қилинган. Бу эса меҳнатсеварлик иқтисодий онгнинг муҳим таркибий қисми эканлигини англатади.

**Ҳалоллик ва адолат.** Зардуштийликда алдов, ўғирлик ва ноҳалол бойлик орттириш қаттиқ қораланган. Жамиятда иқтисодий муносабатларнинг барқарорлиги адолатга боғлиқ деб қаралган. Ҳалол меҳнат орқали топилган бойликинсон фаровонлигининг асоси сифатида баҳоланган.

**Мулк ва фаровонлик.** Таълимотта хусусий мулкка ижобий муносабат билдирилган. Бироқ мулк жамият манфаати учун хизмат қилиши лозимлиги таъкидланган. Исрофгарчилик салбий ҳолат сифатида баҳоланиб, тежамкорлик тарғиб қилинган.

**Ижтимоий масъулият.** Зардуштийликда инсон фақат ўз манфаатини эмас, балки жамият фаровонлигини ҳам ўйлаши кераклиги уқтирилади. Бу эса иқтисодий онгнинг ижтимоий хусусиятга эга эканлигини кўрсатади

Зардуштийлик таълимотига кўра, дунё синовлардан эмас, балки ёвузликка қарши курашдан иборат, холос. Таълимотда инсоният яшаётган дунё муҳим ҳисобланади. Шунинг учун унда дунёвий лаззатлардан охират учун воз кечиш масалалари илгари сурилмайди. Эзгу амаллар қилиш орқали ёвузликни енгиш мумкин. Ҳар бир зардуштий ҳаётини эзгу фикр - хумата, эзгу сўз - хухта, эзгу амал - хвартша асосига қуриши ҳамда ёвуз фикр - дужвартшта, ёвуз сўз - дужухта, ёвуз амал - дужматадан сақланиши зарур.

Зардуштий учун ҳар доим пок ҳолда бўлиш аҳамиятли ҳисобланади. Инсон ўзини пок сақлаши учун ёмон ўй-хаёллар, касаллик, ўликларга Яқинлашмаслиги ҳатто уларга

қарамаслиги ҳам зарур. Истисно тариқасида нопок бўлиб қолган киши янгидан покланиши керак. Инсон жасадини оловда ёқиш, муқаддас оловни ўчириш ва руҳонийларни ўлдириш энг оғир гуноҳлардан саналади. Зардуштийлар реинкарнацияни рад этадилар.

Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга (Марказий Осиё қадимги аҳолисининг «эски дини»га) нисбатан монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўқувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечирришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади.

Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблайди. Зардуштийлик динида кўриқ ер очиб, уни боғу роғга айланттирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди. Аксинча, боғлар, экинзорларни, суғориш иншоотларини бузганлар катта гуноҳга қоладилар. Зардушт инсонларга тинч-тотув яшашни, ҳалол меҳнат қилишни ўргатмоқчи бўлади. Бунга кўра инсоннинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳам бўлажак, ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўзининг бу дунёдаги қилмишига яраша абадий роҳат – жаннатга ёки ёмон ишлари кўп бўлса, на хурсандлик ва на хафалик кўрмайдиган аросат жой – мисвонгатуга тушади.

Зардуштийлик негизида оламнинг қарама-қаршиликлари кураши асосига қурилгани туради: яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасида абадий кураш давом этади. Барча яхшиликларни Ахура-Мазда ва барча ёмонликларни Анхрамайню (ёки Ахриман) ифодалайди.

Ахура-Мазда инсонларга эзгу ишларни баён этиб уларга амал қилишни буюради, ёмон ишлардан сақланишга чақиради.

Зардуштийликда имон учта нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб, уни олқишлаб сиғиниши шарт. Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Зардуштийлик дини дунёдаги энг қадимий динлардан бири ҳисобланиб, мил. ав. XII – VI асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқлари унга эътиқод қилганлар. Эронда Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида унинг муқаддас китоби Авесто руҳонийлар томонидан оғзаки ривоятдан йиғилиб, биринчи марта китоб шаклига келтирилган. Айрим қисмларига, айниқса, «Видевдат» бўлимига ўзгартиришлар киритилиб, қайта ишланган.

VIII асрда Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиб кенг тарқалгунига қадар зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий дини ҳисобланган. Буни, жумладан, археологик тадқиқотлар исботлайди.

Ҳозирги кунда зардуштийликка эътиқод қилувчилар сони 2.6 млн.дир. Улар Ҳиндистоннинг Мумбай (Бомбей, Ғужарот штатларида), Покистон, Шри Ланка, Буюк Британия, Канада, АҚШ, Австралия ва Эроннинг баъзи чекка вилоятларида сақланиб қолган. Эрон Ислом Республикасида зардуштийлик динига эътиқод қилиш қонун томонидан рухсат этилган. Мумбайда зардуштийларнинг маданий маркази Кома номидаги институт фаолият олиб боради. Ундан ташқари Мумбайда ҳомий Дхалла

раислигида дунё зардуштийлари маданияти фонди ишлаб турибди. 1960 йилда зардуштийларнинг I умумжаҳон конгресси Техронда ўтказилди. Кейинги конгресслар Бомбейда ўтказилди.

**Хулоса ва таклифлар.** Зардуштийлик таълимотида иқтисодий онг меҳнатсеварлик, ҳалоллик, адолат ва ижтимоий масъулият тамойиллари асосида шаклланган. Ушбу ғоялар бугунги кунда ҳам иқтисодий маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Таклифлар:**

1.Қадимги маънавий меросдаги иқтисодий ғояларни олий таълим тизимида кенг ўрганишмақсадга мувофиқ.

2.Ёшларда меҳнатсеварлик ва иқтисодий масъулиятни шакллантиришда миллий қадриятлардан самарали фойдаланиш лозим.

Зардуштийликдаги ҳалол меҳнат ва адолат ғояларини замонавий иқтисодий тарбия жараёнига тадбиқ этиш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

- 1.Авесто. – Тошкент: Шарқ, 2001.
- 2.Мэри Бойс. Зороастрийцы: верования и обычаи.- Москва: Наука,1987.
- 3.Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент: Фан, 1968.
- 4.Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
- 5.Фалсафа: қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004.

INNOVATIVE  
ACADEMY